

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ  
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ  
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2020 ЙИЛ  
ЯНВАРЬ–ИЮНЬ**



## СЎЗ БОШИ

Фарғона вилоятининг статистик ахборотномаси–вилоятнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2019 йил январь-июнь ойлари яқунлари бўйича Фарғона вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларини қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турларини ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий иқтисодий кўрсаткичларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотларнинг таснифи, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Докладда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, чакана савдо айланмаси, молиявий кўрсаткичлар ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

## Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	япи худудий маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3).....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

## МУНДАРИЖА

Номи	бет.
<b>АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР</b>	<b>6</b>
<b>I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ</b>	<b>7-12</b>
<b>II. САНОАТ</b>	<b>13–25</b>
<b>III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	<b>26–39</b>
<b>IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ</b>	<b>40–53</b>
<b>V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ</b>	<b>54–62</b>
<b>VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)</b>	<b>63–67</b>
<b>VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b>	<b>68–83</b>
<b>VIII. ХИЗМАТЛАР</b>	<b>84–91</b>
<b>IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА</b>	<b>92–97</b>
<b>X. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ</b>	<b>98–101</b>
<b>XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР</b>	<b>102–108</b>
<b>XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ</b>	<b>109–119</b>
<b>XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ</b>	<b>120</b>

## Асосийқисодий кўрсаткичлар

2020 йил январь–июнь

	млрд.сўм	2019 йил январь–июнига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	16 857,3	100,5
Саноат маҳсулоти <sup>1)</sup>	9 458,2	97,1
Истеъмол товарлари	3 260,8	96,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари	8 847,5	105,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4 876,7	93,2
Қурилиш ишлари	2 464,0	100,2
Юк айланмаси (млн. тн–км)	1 381,5	100,4
Йўловчи айланмаси (млн. пасс.–км)	6 500,6	92,3
Чакана савдо товар айланмаси	7 702,7	100,2
Хизматлар, жами	6 015,8	101,7
Ташқи савдо айланмаси, (млн. АҚШ. долл <sup>2)</sup> )	634,1	94,1
Экспорт	249,2	86,3
Импорт	384,9	100
Сальдо (+,–)	-135,7	x

1) Физик ҳажм индекси

2) Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-июнь ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 16 857,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 0,5 % га ўсди.

2020 йилнинг январь-июнь яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 4 474,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,3 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган ҳиссаси 6,6 % ни ташкил этди.


### Ялпи ҳудудий маҳсулот

	млрд.сўм		2019 йил январь-июнь ойига нисбатан, фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>15 100,2</b>	<b>16 857,3</b>	<b>100,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14 206,5	16 347,0	100,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	893,7	510,3	97,3
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>14 206,5</b>	<b>16 347,0</b>	<b>100,7</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4 250,0	5 036,5	105,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4 817,9	5 367,7	97,7
саноат	3 884,8	4 271,7	97,1
қурилиш	933,1	1 096,0	100,2
<b>Хизматлар</b>	<b>5 138,6</b>	<b>5 942,8</b>	<b>99,8</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 145,8	1 296,0	99,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	880,0	933,0	98,1
бошқа хизмат тармоқлари	3 112,8	3 713,8	100,5

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 105,3 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 30,8 %), саноат – 97,1 % (26,1 %), қурилиш – 100,2 % (6,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 99,0 % (7,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 98,1 % (5,7 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 100,5 % (22,8 %) ни ташкил этди.

### 2020 йилнинг январь-июнида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### Иқтисодий фаолият турлари



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 97,0 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,0 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,9 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 30,8 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,1 % пунктга камайди ва 32,8 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 2020 йилнинг январь-июнида 36,4 % ни ташкил этди ва 2019 йил (36,2 %) билан таққосланганда 0,2 % пунктга ўсди.


**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**  
(январь–июнь ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 7,9 % ни (2019 й. – 8,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,7 % ни (6,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 22,8 % ни (21,9 %) ташкил этди.


### Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(январь-июнь, жамига нисбатан фоизда)




Жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 4 474,9 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (4 084,2 минг сўм) мос даврига нисбатан 1,3 % камайди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯХМда кичик бизнес улуши 61,5 % ни ташкил қилди.

**ЯХМда кичик бизнеснинг улуши**  
(январь-июнь ойлари, жамига нисбатан фоизда)



**2020 йилнинг январь-июнида ЯХМ нинг дефлятор индекси бўйича ўсиш суръатлари**




**Иқтисодий фаолият турлари**

## II. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йил январь-июнь ойларида вилоят корхоналари томонидан 9 458,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 97,1 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,5 % га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 15,0 % га пасайганлиги, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 12,0 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 10,0 % га ошганлиги кузатиш мумкин.

### Январь-июнь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



### Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йил январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 42,2 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,4 % ни ташкил этди.


Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият тури ҳажмининг – 22,9 % га пасайганлигини кузатиш мумкин.

### Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2020 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 8 710,3 млрд.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 92,1 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғининг ҳажми 23,8 млрд. сўмни, (ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 0,3 %), ўрта-юқори технологияли – 1 400,8 млрд. сўмни, (14,8 %), ўрта-қуйи технологияли– 2 737,2 млрд. сўмни (28,9 %), ва қуйи технологияли – 4 548,5 млрд. сўмни, (48,1 %) ташкил этди.

**Январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



- Юқори технологияли
- Ўрта-юқори технологияли
- Ўрта-қуйи технологияли
- Қуйи технологияли

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2020 йил январь-июнь ойлари учун)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2020 йил январь- июнь</i>	<i>2019 йил январь- июнь ойига нисбатан, % да</i>
Ўсимлик ёғи	тонна	17 863,5	163,8
Узим виноси	минг литр	1 058,0	125,4
Дизел ёқилғиси	минг тонна	178,8	121,9
Нитрат натрий	минг тонна	2,7	113,5
Нарса жойлаш учун қоплар	тонна	708,2	101,0
Бошқа махсус кийимлар	минг сўм	127 243,0	168,6
Нефть битуми	минг тонна	6,0	20,3
Суперфосфат	минг тонна P2O5	2,5	21,6

**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш**

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 653,7 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,9 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,0 % ни ташкил этди.

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 52,0 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 % ни) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида саноатнинг мазкур тармоғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,0 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2020 йил январь-июнь ойлари учун)**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>жамига нисбатан фоизда</i>
<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>9 458,2</b>	<b>100,0</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>42,2</b>	<b>0,4</b>
<i>улардан:</i>		
Тоғ-кон саноатининг бошқа турлари	39,8	0,4
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>8 710,3</b>	<b>92,1</b>
<i>ундан:</i>		
озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 545,6	16,3
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2 633,8	27,8
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	152,8	1,6
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	4,1	0,04
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 364,9	14,4
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	1 215,1	12,8
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	10,8	0,1
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 028,2	10,9
металлургия саноати	49,2	0,5


	<i>млрд.сўм</i>	<i>жамига нисбатан фоизда</i>
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	146,3	1,5
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	13,0	0,1
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	27,0	0,3
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	12,2	0,1
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	204,5	2,2
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	82,3	0,9
Мебел ишлаб чиқариш	70,4	0,7
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	141,7	1,5
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	8,4	0,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	653,7	6,9
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	52,0	0,6
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>3 260,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	1 314,3	40,3
ноозик-овқат товарлари	1 946,5	59,7

### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш**


Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини кўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирларнатижасида истеъмол товарлар ишлаб чиқариш ҳажми 3 260,8 млрд. сўмни ташкил этди. 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан 3,8 % га пасайиш кузатилди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 34,5 % ни ташкил этди.



**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)




**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да**  
(январь-июнь ойлари учун)




## Худудларнинг жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми млрд. сўм

(2020 йил январь-июнь ойлари учун)




## Худудларнинг sanoat ишлаб чиқаришдаги физик ҳажм индекси (ФҲИ)

(2020 йил январь-июнь ойлари учун %)




**Худудларнинг вилоят жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши**  
(2020 йил январь-июнь ойлари учун)




**Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда ошишига олиб келди, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 37,4 % ташкил этмоқда.




**Худудлар бўйича йирик корхоналар ва кичик бизнеснинг  
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши.  
(2020 йил январь-июнь, фоиз хисобида)**



Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Фарғона шаҳрида (11 409,3 минг сўм), Қувасой шаҳрида (5 799,6 минг сўм), Қўқон шаҳрида (5 824,1 минг сўм), Тошлоқ тумани (5 084,0 минг сўми) да вилоят даражаси кўрсаткичидан юқорилигини кўрсатмоқда.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда**  
(2020 йил январь-июнь ойлари учун)




**Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари.**

Бугунги кунда вилоятда 7 988 та саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1 358 таси Қўқон шаҳри, 953 таси Марғилон шаҳри, 972 таси Фарғона шаҳри, 580 таси Учкўприк тумани, 457 таси Ўзбекистон тумани, 402 таси Данғара тумани, 409 таси Бувайда тумани, 329 таси Тошлоқ тумани, 361 таси Қува тумани, 289 таси Бағдод тумани, 298 таси Олтиариқ тумани, 223 таси Қўштепа тумани, 280 таси Риштон тумани, 211 таси Фарғона тумани, 220 таси Қувасой шаҳри, 164 таси Ёзёвон тумани, 161 таси Фурқат тумани, 167 таси Бешариқ тумани, 154 таси Сўх туманига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда 663 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан 68 таси Қўқон шаҳри, 68 таси Марғилон шаҳри, 58 таси Фарғона шаҳри, 48 таси Учкўприк тумани, 30 таси Ўзбекистон тумани, 18 таси Данғара тумани, 37 таси Бувайда тумани, 32 таси Тошлоқ тумани, 39 таси Қува тумани, 29 таси Бағдод тумани, 41 таси Олтиариқ тумани, 23 таси Қўштепа тумани, 45 таси Риштон тумани, 25 таси Фарғона тумани, 24 таси Қувасой шаҳри, 22 таси Ёзёвон тумани, 11 таси Фурқат тумани, 29 таси Бешариқ тумани, 16 таси Сўх туманига тўғри келади.

**Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган ҳамда йил бошида янги ташкил этилган корхоналар**  
(2020 йил январь-июнь ойлари учун, сони бирликда)



**Вилоятда саноат корхоналарининг маҳаллийлаштириш даражаси**  
(2020 йил январь-июнь ойлари учун)


2020 йил январ-июн ойларида вилоят бўйича 56 та корхона маҳаллийлаштириш дастурига киритилган бўлиб, улардан 47 таси маҳаллий корхоналар ҳисобланиб, бу корхоналар 86 лойиҳалар дастурга киритилган. Жорий йилнинг иккинчи чорагида 56 та корхонадан 54 таси маҳаллийлаштиришни амалга оширган ва улар томонидан 79 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жорий йилнинг иккинчи чорагида 56 та корхонадан 54 таси маҳаллийлаштиришни амалга оширган ва улар томонидан 79 та лойиҳа бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жорий йилнинг январ-июн ойларида корхоналар томонидан тақдим этилган ҳисоботларга кўра 407,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, 2,0 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилган.

№	Худуд номи	Лойиҳа миқдори		Корхона сони		ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)	Экспорт ҳажми (млн АҚШ долл.)	Янги яратилган иш ўрни
		Кути-лиш	амалда	Кути-лиш	амалда			
<b>Вилоят жами</b>		86	79	56	54	407,91	2,0	150
<b>Шаҳарлар:</b>								
1	Фарғона	24	19	11	10	77,1	1,35	24
2	Қўқон	5	5	5	5	96,4	0,11	-
3	Қувасой	3	3	3	3	68,3	0,13	10
4	Марғилон	6	6	6	6	16,8	0,14	29
<b>туманлар</b>								
5	Олтиариқ	1	1	1	1	0,01		-
6	Қўштепа	4	4	4	4	0,8		18
7	Бағдод	1	1	1	1	1,2		-
8	Бувайда	3	3	3	3	4,6	0,01	-
9	Бешариқ	1	1	1	1	0,1		5
10	Қува	16	16	1	1	0,3		-
11	Учқўприк	8	6	7	6	120,5	0,15	38
12	Тошлоқ	1	1	1	1	0,8		2
13	Ўзбекистон	3	3	3	3	0,8		11
14	Фарғона	4	4	3	3	10,1		4
15	Данғара	6	6	6	6	10,1	0,12	9

### III. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2020 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 8 847,5 млрд. сўми ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоизни, шу жумладан, ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 4 501,6 млрд. сўми (107,4 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 4 158,5 млрд. сўми (102,5 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 29,5 млрд. сўми (126,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 32,1 млрд. сўми (134,7 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд. сўми (101,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 125,4 млрд. сўми (102,0 фоиз) ташкил қилди.


**2020 йилнинг январь-июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 73,6 фоиз).



**2020 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги  
маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кичик бизнеснинг ўрни**

Шунингдек, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига тўғри келиб, ҳудудлар бўйича энг юқори улуш Марғилон шаҳрида 99,9 фоиз, Қўқон шаҳар 99,6 фоиз, Фарғона шаҳар 90,4 фоиз, Бувайда туманида 82,8 фоизни ташкил этади ва аксинча Қувасой шаҳарда 55,0 фоиз, Қўштепа туманида 65,9 фоиз, Фурқат туманида 66,3 фоиз, Риштон туманларида эса 66,4 фоиз бўлиб энг паст улушларни қайд этди.

Бундан ташқари, вилоятда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида фермер хўжалиқларининг улуши 24,3 фоизни ташкил этиб, Қувасой шаҳар 37,3 фоизни, Риштон тумани 33,6 фоизни, Қўштепа тумани 32,5 фоизни, Фурқат тумани 32,5 фоизни ташкил этиб энг юқори улушга эга бўлди ва аксинча, энг паст улушларга Сўх тумани (5,4 фоиз), Фарғона шаҳар (7,9 фоиз), Фарғона тумани (15,3 фоиз), Бувайда тумани (16,7 фоиз) ҳисобига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар улуши таҳлил этилганда энг юқори улуш Сўх тумани (13,9 фоиз), Фарғона тумани (11,6 фоиз) ҳисобига ва аксинча энг паст улуш Тошлоқ ва Ўзбекистон туманлари (0,1 фоиз) ҳиссасига тўғри келди.

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши, (%) да**



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кичик бизнеснинг ўрни**


Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,6 фоизга ошиши таъминланди, шунингдек ўз навбатида кичик бизнеснинг жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши эса 96,6 фоизни ташкил этмоқда.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида кичик бизнеснинг ҳажми,  
шаҳар-туманлар кесимида**  
(фоиз ҳисобида)



Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Қувасой шаҳарида (4 279,5 минг сўмни ёки 113,8 фоизни), Олтиариқ туманида (3 652,0 минг сўмни ёки 104,6 фоизни), Риштон туманида (3 090,6 минг сўмни ёки 106,3 фоизни) вилоят кўрсаткичидан энг юқори ва аксинча Кўкон шаҳарида (365,5 минг сўмни ёки 71,2 фоизни), Фарғона шаҳрида (845,6 минг сўмни ёки 97,1 фоизни), Марғилон шаҳрида (871,3 минг сўмни ёки 99,8 фоизни) энг паст кўрсаткичлар кузатилди.

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажмини аҳоли жон бошига тўғри келиши ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари



■ Аҳоли жон бошига тўғри келиши минг сўм ■ Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати %

**Дехқончилик.** 2020 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 4 501,6 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 107,4 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 52,0 фоизни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилда барча тоифадаги хўжаликлар 245 924 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 112 299 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 105 427 гектарни, шундан бугдой 103 289 гектарни, маккажўхори дон учун 3 900 гектарни, шоли 687 гектарни, дуккакли дон экинлари 1 512 гектарни, техник экинлар жами 79 314 гектарни, шу жумладан ғўза майдони 77 567 гектар, мойли экинлар 281 гектар, картошка 11 334 гектарни, сабзавотлар жами 23 972 гектарни, полиз 2 598 гектарни, озука экинлари 15 629 гектарни, бундан ташқари мевалар ва резаворлар майдони 50 058 гектарни ҳамда тоқзорлар 6 878 гектарни ташкил этди.


**Ҳосилни йиғиб олиш.** Барча тоифадаги хўжаликларда 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига дон жами 526 630 тонна (115,6 фоиз), шу жумладан, бошоқли дон 501 123 тонна (113,9 фоиз), маккажўхори дон учун 14 461 тонна (141,2 фоиз), бошқа донлар 11 046 тонна (2,6 м.), картошка 186 999 тонна (101,6 фоиз), сабзавот 390 610 тонна (102,5 фоиз), мевалар 168 512 тонна (110,0 фоиз), узум 1 989 тонна (105,1 фоиз) етиштирилди.

**2020 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича  
асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар</i>	
	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг тонна</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Дон-жами	492,7	115,6	14,8	99,3	19,1	134,1
Шу жумладан: бошоқли дон	481,6	113,3	0,4	76,5	19,1	134,1
шундан: бугдой	481,4	114,7	0,4	76,6	19,1	134,1
маккажўхори дон учун	4,4	30 м.	10,1	99,5	-	-
бошқа дон экинлари	6,7	25,4 м.	4,3	106,4	-	-
Картошка	2,7	176,6	181,2	100,6	3,1	129,4
Сабзавотлар, жами	13,0	2,2 м.	374,6	100,5	3,0	126,8
Полиз, жами	4,1	5,4 м.	3,5	101,9	-	-
Мевалар, жами	78,3	124,1	88,8	100,9	1,4	68,6
Узум	0,1	196,4	1,9	102,4	-	-

**2020 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


**Дон, жами (тонна)**



**шу жумладан: бошоқли дон (тонна)**



**шундан: бугдой (тонна)**




**маккажўхори дон учун (тонна)**




### Бошқа донлар (тонна)




### Картошка, жами (тонна)




### Сабзавот, жами (тонна)




### Полиз, жами (тонна)



### Мевалар, жами (тонна)



### Узум, жами (тонна)



**Чорвачилик.** Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-июнида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4 158,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 102,5 фоизни (2019 йилнинг январь-июнида 101,5 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 48,0 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1 006,4 минг бош (100,9 фоиз), шу жумладан сигирлар 364,3 минг бош (101,0 фоизга), қўй ва эчкилар 868,9 минг бош (101,3 фоизга), отлар 9 048 бош (102,7 фоиз) га кўпайиб, паррандалар 7 953,4 минг бош (3,6 фоизга) камайди.



**2020 йил 1 июль ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар**

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	54,1	112,4	943,4	100,3	8,9	98,5
<i>шу жумладан:</i> сигирлар	17,3	120,3	345,0	100,3	2,0	86,0
Қўйлар ва эчкилар	59,0	105,7	805,9	101,2	4,0	77,6
Отлар	1 496,0	121,8	7 466,0	100,3	86,0	61,9
Паррандалар	1 181,1	139,8	5 059,3	104,3	1 713,0	67,2


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,7 фоизни, фермер хўжаликларида 5,4 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,7 ва 4,8 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 92,7 ва 6,8 фоизни, отлар – 82,5 ва 16,5 фоизни, паррандалар – 63,6 ва 14,9 фоизни ташкил қилди.

**2020 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар**

**Йирик шохли қорамоллар (минг бош)**



***шу жумладан:* сигирлар (минг бош)**




### Кўйлар ва эчкилар (минг бош)



### Паррандалар (минг бош)



### Отлар (бош)



2020 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 78,3 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-июнига нисбатан 1,9 фоизга кўп), 459,1 минг тонна сут (3,9 фоиз), 251,5 млн. дона тухум (1,7 фоиз), 908 тонна жун (0,9 фоиз), 1 969,8 тонна пилла хом-ашёси (7,2 фоиз), 839,8 тонна асал (2,6 фоиз), ишлаб чиқарилди ҳамда 2 302,7 тонна балиқ (113,7 фоиз) овланди.

Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек вилоятимизда аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чоратadbирлар амалга оширилиши ҳамда берилаётган имтиёзли кредитлар натижасида вилоятимизда 2020 йил 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда паррандалар 7 953,4 минг бошни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 3,6 фоизга кам, шундан фермер хўжаликларида 1 181,1 минг бош (39,8 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 5 059,3 минг бош (4,3 фоиз)га кўп аксинча, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 1 713,0 минг бош (32,8 фоиз)га камайган.

Тухум етиштириш барча тоифадаги хўжаликларда 251,5 млн. донани ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,7 фоизга ёки 4,2 млн. донага ошган, шундан фермер хўжаликларида 53,2 млн.дона (6,5 фоиз)га, деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжаликлари)да 172,7 млн.дона (0,4 фоиз)га, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 25,6 млн.дона (1,2 фоиз)га кўпайган.

### 2020 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	3,2	107,0	70,1	101,7	5,0	102,1
Сут, минг тонна	34,7	163,7	422,9	100,8	1,5	103,5
Тухум, млн. дона	53,2	171,6	172,7	100,4	25,6	101,2
Жун, тонна	53	151,4	854	99,0	1	50,0
Овланган балик, тонна	1 534,7	111,7	142,9	100,0	625,1	122,8

**2020 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги  
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


**Гўшт (минг тонна)**




**Сут (минг тонна)**



**Тухум (млн. дона)**




**Жун (тонна)**



### Пилла (тонна)



### Балиқ (тонна)



## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь–июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 4 876,8 млрд. сўми (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 0,50 миллиард АҚШ долларини) ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 93,2 фоизни ташкил қилди.


### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2020 йил январь–июнь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>4 876,8</b>	<b>93,2</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>402,7</b>	<b>73,5</b>	<b>8,3</b>
бюджет маблағлари	275,6	73,8	5,7
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	47,4	117,4	1,0
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	79,6	95,5	1,6
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>4 474,1</b>	<b>95,5</b>	<b>91,7</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	941,7	90,1	19,3
аҳоли маблағлари	568,1	70,7	11,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1 882,6	91,0	38,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1 082,3	140,5	22,2

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.


## Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-июнь, фоиз ҳисобида)




## Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари

(январь-июнь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



## Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь–июнь, млрд.сумда)




Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 402,7 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 73,5 % га ошган (умумий



ҳажмдаги улуши 8,3%), шундан бюджет маблағлари 275,6 млрд сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 73,8 % га ошган (умумий ҳажмдаги улуши 5,7%), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси 47,4 млрд сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 79,6 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 95,5 % ни ташкил этганини таъкидлаш лозим.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган  
молиялаштириш манбалари**  
(январь-июнь жами инвестициялар ҳажмидаги улуши, %да)



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган жами инвестициялар 4 474,1 млрд сўмни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 95,5% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 91,7%) ташкил этди. Шундан жами инвестициялар ҳажмида энг кўп улуш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келиб, 1 882,1 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган

Йилнинг мос даврига нисбатан 91,0 % га пасайган (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 38,6%), корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар 941,7 млрд сўми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 90,1% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 19,3%) ташкил этди, 568,1 млрд сўм аҳоли маблағлари ҳисобига ўзлаштирилган инвестициялар бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70,7%ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 11,6%) ташкил этди. Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 1 082,3 млрд. сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 140,5% ни (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 22,2%) ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-июнида асосий капиталга инвестициялар  
молиялаштириш манбаларининг мулкчилик шакли  
бўйича тақсимланиши**

	<i>Жами</i>	<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>	
		<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами инвестициялар, млрд.сўм</b>	<b>4 876,8</b>	<b>488,4</b>	<b>4 388,4</b>
<i>шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	275,6	204,3	71,3
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	47,4	43,6	3,8
корхоналар ва аҳоли маблағлари	1 509,8	172,5	1 337,2
чет эл инвестициялари ва кредитлари	1 961,7	67,9	1 893,8
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1 082,3	0,1	1 082,2
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	-	-	-


**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Январь–июнь</i>			
	<i>2019 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2020 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
<b>Жами, млрд.сўм</b>	<b>4 552,9</b>	<b>100,0</b>	<b>4 876,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	450,2	9,9	508,4	10,4
тоғ–кон саноати	527,7	11,6	80,3	1,6
ишлаб чиқариш саноати	1 769,1	38,9	2 322,6	47,6
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	124,1	2,7	90,6	1,9
сув билан таъминлаш, канализация tizими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	25,7	0,6	50,9	1,0
қурилиш	113,3	2,5	192,6	3,9
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	255,7	5,6	453,1	9,3
ташиш ва сақлаш	143,4	3,1	127,3	2,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	28,6	0,6	37,2	0,8
ахборот ва алоқа	36,6	0,8	23,7	0,5
молиявий ва суғурта фаолияти	32,8	0,7	18,2	0,4
профессионал, илмий ва техник фаолият	46,4	1,0	19,3	0,4
таълим	78,2	1,7	185,9	3,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	98,4	2,2	76,8	1,6
бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	591,1	13,0	396,0	8,1
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	43,0	0,9	41,2	0,8
бошқа фаолият турлари	188,6	4,2	252,7	5,3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида – 80,3 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 1,6 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 2,2 млрд. сўм, қайта ишлаш саноатида – 2 322,6 млрд. сўм, (47,6 фоиз) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 170,8 млрд. сўм (3,5 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 516,8 млрд. сўм (10,6 фоиз), кимё маҳсулотлари – 112,8 млрд. сўм (2,3 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 992,4 млрд. сўм (20,3 фоиз), металлургия – 26,6 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 90,6 млрд. сўм (1,9 фоиз), қурилиш – 192,6 млрд. сўм (3,9 фоиз), ташиш ва сақлаш – 127,3 млрд. сўм (2,6 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 453,1 млрд. сўм (9,3 фоиз), ахборот ва алоқа – 23,7 млрд. сўм (0,5 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 19,3 млрд. сўм (0,4 фоиз), таълим – 185,9 млрд. сўм (3,8 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой бинолари қурилишига – 396,0 млрд. сўмлик (8,1 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

### Кирилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар

(январь-июнь ҳолатига, фоизда)



## Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.

2020 йил январь–июнь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 1 961,7 млрд.сўм бўлиб 199,0 млн. АҚШ доллари ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 91,2 % га пасайди. Жами хорижий инвестициялар 1 139,1 млрд. сўм бўлиб 116,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан 1 104,8 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўлиб 112,8 млн. АҚШ долларини, бошқа хорижий инвестициялар 34,3 млрд.сўм бўлиб 3,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жами хорижий кредитлар 822,6 млрд.сўм бўлиб 82,8 млн. АҚШ долларни, шундан 79,6 млрд.сўм Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар бўлиб 8,0 млн. АҚШ долларини, кафолатланмаган хорижий кредитлар 743,0 млрд.сўм бўлиб 74,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

### Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2020 йилнинг январь–июнида)

	млрд. сўм	умумий хажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	<b>1 961,7</b>	<b>79,6</b>	<b>1 882,1</b>
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	67,8	67,8	-
нодавлат	1 893,9	11,8	1 882,1

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 1 882,1 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган тўғридан–тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг улуши 99,3 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг  
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(январь-июнь, умумий ҳажмга нисбатан, % да)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши қайта ишлаш саноатига тўғри келиб 1 418,7 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши – 72,3% ни, тоғ-кон саноатида – 59,1 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 3,0% ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида – 197,4 млрд.сўмни ташкил этиб, жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 10,1% ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ахборот ва алоқа соҳасида 21,6 млрд. сўмни ҳамда қурилиш соҳасига эса 34,1 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши 2019 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан ортганлиги кузатилди.

## Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 337,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар ҳажмининг 6,9 фоизини ташкил қилди.

### 2020 йилнинг январь–июнида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	<i>Барча манбалар ҳисобидан</i>			
	<i>фойдаланишга топширилди</i>		<i>2019 йил январь–июнига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>
<b>Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м</b>	<b>406,2</b>	<b>281,2</b>	<b>81,1</b>	<b>76,0</b>
<i>ундан:</i>				
якка тартибдаги уй–жойлар	391,1	281,2	81,5	78,0
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	15,1	-	70,6	-
Касалхоналар, ётоқ ўрни	-	-	-	-
Умумий таълим ва махсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	840	420	-	-
Сув тармоқлари, км	24,0	22,0	23,4	18,5
Газ тармоқлари, км	3,0	3,0	157,9	157,9

2020 йил январь–июнь ойларида умумий майдони 406,2 минг кв.м. бўлган 2 161 та уй ёки 2 161 та квартира (2019 йилнинг январь–июнига нисбатан 81,1 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 281,2 минг кв.м. (76,0 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 24,0 км сув тармоқлари (22,0 км қишлоқ жойларда) ва 3,0 км. газ тармоқлари (3,0 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2019 йилнинг январь–июнига нисбатан 23,4 фоизни ташкил этди, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 18,5 фоизни ташкил этди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ фойдаланишга топширилмади шунингдек, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга 76,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.


Сув тармоқлари қурилишига 787,0 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 787,0 млн. сўм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 80,0 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 80,0 млн.сўм (умумий ҳажмининг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

### Қурилиш фаолияти

2020 йил январь–июнь ойларида 2 464,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь–июнь ойларига нисбатан 100,2 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати, фоизда



Худудлар кесимида қурилиш ишлари умумий ҳажмини кўрадиган бўлсак, Фарғона шаҳрида, 688,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 27,9 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 127,2%) ни ташкил этди. Қўқон шаҳрида 189,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 7,7 % (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 92,5 %)ни, Қувасой шаҳрида 120,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, (жами




қурилишдаги улуши 4,9% ўсиш суръати 50,1%)ни, Марғилон шаҳрида 342,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 13,9%, ўсиш суръати 154,0%), Фарғона туманида 47,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,9%, ўсиш суръати 97,8%), Олтиариқ туманида 112,5 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,6%, ўсиш суръати 118,1%), Қўштепа туманида 104,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 4,2%, ўсиш суръати 101,0%), Бағдод туманида 153,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 6,2%, ўсиш суръати 161,0%), Бешариқ туманида 41,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,7%, ўсиш суръати 40,5%), Бувайда туманида 56,6 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,3%, ўсиш суръати 100,8%), Данғара туманида 122,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 5,0%, ўсиш суръати 71,7%), Қува туманида 123,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 5,0%, ўсиш суръати 100,7%), Риштон туманида 21,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 0,9%, ўсиш суръати 44,4%), Сўх туманида 44,8 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 1,8%, ўсиш суръати 145,0%), Тошлоқ туманида 50,3 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,0%, ўсиш суръати 104,6%), Ўзбекистон туманида 60,1 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,4%, ўсиш суръати 116,3%), Учкўприк туманида 51,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,1%, ўсиш суръати 56,5%), Фурқат туманида 73,2 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 3,0%, ўсиш суръати 104,6%), Ёзёвон туманида 59,9 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди (жами қурилишдаги улуши 2,4%, ўсиш суръати 52,7%).

### Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	январь–июнь	
	2019 й.	2020 й.
<b>Қурилиш ишлари, млрд. сўм</b>	<b>2 099,9</b>	<b>2 464,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	119,7	86,9
нодавлат	1 980,2	2 377,1

### Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши (январь-июнь, % ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2 377,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 96,5 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2 464,0 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 96,5 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 58,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 41,8 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.

### Намунавий уй-жойлар

2020 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда умумий майдони 15,1 минг кв.м бўлган 9 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриб фойдаланишга топшириди.

**Фойдаланишга топширилган, намунавий лойihalар  
асосида қурилган уй-жойлар  
2020 йил январь-июнь ойларида**

	<i>Намунавий уй-жойлар</i>		
	<i>млн.сўм</i>	<i>сон</i>	<i>минг кв.м</i>
<b>Вилоят жами</b>	<b>15 095,0</b>	<b>9</b>	<b>15,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Фарғона	15 095,0	9	15,1
Кўкон	-	-	-
Қувасой	-	-	-
Марғилон	-	-	-
<i>туманлар:</i>			
Олтиарик	-	-	-
Кўштепа	-	-	-
Бағдод	-	-	-
Бувайда	-	-	-
Бешарик	-	-	-
Қува	-	-	-
Учкўприк	-	-	-
Риштон	-	-	-
Сўх	-	-	-
Тошлоқ	-	-	-
Ўзбекистон	-	-	-
Фарғона	-	-	-
Данғара	-	-	-
Фурқат	-	-	-
Ёзёвон	-	-	-

## V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ

**Фойда** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 345 053,6 млн.сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 2019 йил январь-май ойларида 494 520,6 млн. сўм фойда билан якунланган, 2020 йил жорий даврда фойда 345 053,6 млн. сўмни ташкил этди.

### 2020 йилнинг январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млн.сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-майга нисбатан %да</i>
<b>Жами<sup>1)</sup></b>	<b>345 053,6</b>	<b>69,8</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	-	-
Ишлаб чиқарадиган саноат	335 940,3	74,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	484,1	-
Қурилиш	1 619,7	128,1
Савдо	4 540,1	32,9
Ташиш ва сақлаш	945,7	4,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18,9	51,1
Молиявий ва суғурта фаолияти	-	-
Кўчмас мулк билан операциялар	508,4	20,3
Профессионал, илмий ва техник фаолият	-	-
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	25,5	145,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	509,4	39,0
Бошқалар	461,5	114,5

<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2020 йилнинг январь-май ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзкимёсаноат” АЖ (214,8 млрд.сўм) “Ўздонмахсулот” АК (27,6 млрд.), “Ўзавтосаноат” АЖ (11,5 млрд. сўм) га тўғри келади.

**Фойданинг пасайиши.** Йирик тижорат корхоналари томонидан фойданинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан “Ўзбекнефтегаз” АЖ 85,2 % (209,7 млрд. сўм) “Ўзпахтасаноат” АЖ 22,4 % (0,5 млрд.сўм) вазирликларида камайиши кузатилди.

**2020 йилнинг январь-май ойларида ҳудудлар кесимида  
якуний молиявий натижалари**

	<i>Фойда, зарар(-), млн. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-майга нисбатан % да</i>
<b>Фарғона вилояти<sup>1)</sup></b>	<b>345 053,6</b>	<b>69,8</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Фарғона	270 576,1	71,3
Кўкон	-11 077,5	-
Қувасой	34 796,8	60,7
Марғилон	10 969,6	3,8
<i>туманлар:</i>		
Олтиариқ	1,0	3,2
Қўштепа	-1,5	-
Бағдод	12 609,1	1,7м
Бувайда	-	-
Бешариқ	447	111,1
Қува	5 305,6	1,5м
Учкўприқ	273,2	50,6
Риштон	2 512,9	1,7м
Сўх	-	-
Тошлок	19 938,6	56,4
Ўзбекистон	-2 129,8	-
Фарғона	332,8	43,5
Данғара	350,9	49,8
Фурқат	0,3	56,2
Ёзёвон	148,2	50,7


<sup>1)</sup>Бюджет ва бошқа нотижорат ташиқлотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиқ корхоналари, фермер ва деҳқон хўжалиқлари, сугурта ташиқлотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз

Худудлар кесимида фойданинг асосий қисми Фарғона шаҳар – 270 576,1 млн. сўм (жами фойданинг 78,4 фоизи) Қувасой шаҳар – 34 796,8 млн.сўм ( 10,1 %) ҳамда Тошлоқ тумани – 19 938,6 млн.сўм (5,8 %) га тўғри келади.

**Зарар.** 2020 йилнинг январь-май ойларида 23 та корхона ва ташкилотлар 50,6 млрд.сўм зарарга йўл қўйди.

Зарарнинг асосий қисми, “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 9,0 млрд.сўм (вилоят бўйича жами зарарнинг 17,7 %), “Ўзавтосаноат” АЖ - 5,9 млрд.сўм (11,7 %) ,Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги 2,2 млрд.сўм (4,3%), Ўзбекистон темир йўллари – 1,9 (3,8) корхоналарига тўғри келади.

**2020 йилнинг январь-май ойларида зарар кўрган корхона  
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан % да)



## Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати


2020 йил 1 июнь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 2 867,4 млрд. сўми ташкил қилди, шундан муддати ўтган дебитор қарздорлик – 39,2 млрд. сўм (жами қарздорликнинг 1,4 фоизи).

Муддати ўтган дебитор қарздорликни 2019 йилнинг 1 июнига нисбатан солиштирганимизда 3 марта кўпайганини, жами дебитор қарздорликдаги улуши 0,8 ф.пунктга кўпайганини кўрамыз.

### 2020 йил 1 июнь ҳолатига ҳудудлар кесимида дебитор қарздорлик

	<i>Дебитор қарздорлик, млн. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-майига нисбатан % да</i>
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>2 867 416,0</b>	<b>134,1</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Фарғона	1 832 294,3	138,5
Кўкон	267 849,8	97,5
Қувасой	151 905,3	1,8м
Марғилон	24 741,1	1,6м
<i>туманлар:</i>		
Олтиариқ	1 935,8	70,8
Қўштепа	49,4	0,0
Бағдод	52 361,3	1,8м
Бувайда	0,0	0,0
Бешариқ	16 912,7	3,2м
Қува	21 803,9	86,9
Учкўприқ	9 015,5	99,7
Риштон	6 639,2	31,6
Сўх	0,0	0,0
Тошлоқ	402 720,2	135,3
Ўзбекистон	44 751,1	25,6м
Фарғона	12 155,1	2,0м
Данғара	3 204,8	71,9
Фурқат	0,0	0,0
Ёзёвон	19 076,5	48,6

**2020 йил 1 июнь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги**  
(жамига нисбатан % да)



Энг кўп дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналари – 548,8 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 19,1 % и), “Худудий электр тармоқлари” АЖ – 344,7 млрд. сўм (12,0 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 250,0 млрд.сўм (8,7 %), Ўзпахтасаноат” АЖ -112,5 млрд.сўм (3,9 %) “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 89,0 млрд.сўм (3,1%) кузатилмоқда.

2020 йил 1 июнь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 2 997,6 млрд.сўм, ундан муддати ўтган – 79,0 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 2,6 % ини ташкил этди.



**2020 йил 1 июнь ҳолатига ҳудудлар кесимида кредитор қарздорлик**

	<i>Кредитор қарздорлик, млн. сўм</i>	<i>2019 йилнинг январь-майга нисбатан % да</i>
<b>Фарғона вилояти<sup>1)</sup></b>	<b>2 997 591,5</b>	<b>114,5</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Фарғона	1 202 261,9	138,9
Қўқон	563 863,0	92,0
Қувасой	91 292,2	2,4м
Марғилон	34 294,9	6,0м
<i>туманлар:</i>		
Олтиариқ	657,0	74,7
Қўштепа	170,8	0,0
Бағдод	79 909,7	112,2
Бувайда	0,0	0,0
Бешариқ	49 699,2	91,4
Кува	44 726,7	71,7
Учкўприқ	8 003,1	132,5
Риштон	8 206,3	23,9
Сўх	0,0	0,0
Тошлоқ	806 843,0	103,3
Ўзбекистон	82 250,4	2,2м
Фарғона	6 029,3	131,3
Данғара	2 841,3	65,6
Фурқат	0,0	0,0
Ёзёвон	16 542,7	44,6

